



САММИТДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА ҚЎШМА ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь кунини Санкт-Петербургда Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомида иштирок этди.



Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян раислигида (онлайн форматда) ўтган бу гапга учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, шунингдек, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи мамлакат — Эрон Ислом Республикаси саноат, қонлар ва савдо вазири Саид Муҳаммад Отабак ҳам қатнашди. Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель иштирокчиларга видеомурожаат йўллади.

Йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди. 2024 йилда Ўзбекистоннинг иттифоқ аввалида сўнгги йилларда мамлакатимиз кузатувчи сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан 22 та йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлади. 2024 йилда Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11 фоизга ошди. Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўзини оingan Янги уч йиллик ҳамкорлик режасини қабул қилинди.

Ўзбекистон, шунингдек, ЕОИИнинг савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги қатор тармоқ дастурларида фаол иштирок этмоқда. Келгуси йил март ойида қўшма Ишчи гуруҳининг тўртинчи йиғилишига тайёргарлик кўриломоқда. Давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхтади. Хусусан, Президентимиз ўзаро савдодаги савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этишга қарор қилди. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасидаги савдода тариф ва нотариф чекловларни қўллагаслик масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқиш тақдир қилинди.

Амалий ҳаракатлар режасини қабул қилган ҳолда, яқин келажакда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёрлик билдирилди. Ўзбекистон етакчиси тадбир якунида имзоланаётган Ягона божхона транзити тизими тўғрисидаги битимда мамлакатимизнинг иштирок этиши, шунингдек, божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон маълумотлар алмашинувини тез фурсатда жорий этиш тарафдори эканини таъкидлади. Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларига қўшилишдан манфаатдорлик билдирилди.

— Қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни яқинлаштириш, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз, — деди Президентимиз. Бизнесни янада фаол жалб қилиш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун қудай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ЕОИИ Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишини 2025 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш тақдир қилинди. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мамлакатимизни ЕОИИнинг интеграциялашган ахборот тизими ва “Рақамли иттифоқ” лойиҳасига улаш ташаббуси илгари сурилди.

Аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етакчи беришни енгиллаштириш, инновацион агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш ва илмий ишланмаларни жорий этишга қаратилган кооперация дастурини тайёрлаш тақдир қилинди. Сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ЕОИИ давлатлари фуқароларига Ўзбекистонга ички хужжатлар билан кириш имконини берувчи тартибни жорий этишга тайёрлигини билдирди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербургда шаҳрига амалий ташрифи якунланди. “Пулково” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Санкт-Петербургда шаҳри губернатори Александр Беглов ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли ҳамкасблар! Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Глобал ва минтақавий таҳдидлар, иқтисодий таъсирлар ва жаҳон бозорларидаги ўзгаришларнинг кучайиши мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни кенгайтиришнинг янги йўллари янада фаол излашни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида ЕОИИ билан 22 йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Жорий йилда Иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлашимиз 11 фоиз ўсди.

Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан Янги уч йиллик режани қабул қилдик, унга савдо, саноат, молия сектори, агромамуна, транспорт ва бошқа соҳаларда қирқтага яқин аниқ чора-тадбирлар киритилди. Шунингдек, биз савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги тармоқ дастурларида фаол иштирок этиш ниятидамыз. Бундан ташқари, Ўзбекистон Ҳукумати қўшма Ишчи гуруҳининг навбатдаги, тўртинчи йиғилишига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу учрашувни келгуси йил март ойида Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қилишимиз. Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича қарашларимизни қисқача баён этмоқчиман.

Биринчи. Бу савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни амалга оширишдир. Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида савдода тариф ва нотариф чекловларни ўзаро қўллагаслик тўғрисидаги битимни имзолаш масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқишни тақдир қилишимиз. Яқин вақт ичида амалий ҳаракатлар режасини қабул қилган ҳолда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёрмыз. **Иккинчи.** Ўзбекистоннинг имзоланаётган Ягона божхона транзити тизими тўғрисидаги битимда иштирок этиши ҳам савдо амалиётларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Мамлакатларимизнинг божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни электрон алмашиш бўйича битимларни қилишни жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. **Учинчи.** Бирлашма доирасида бошланган саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларига қўшилишдан манфаатдормыз. Бундан ташқари, қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни яқинлаштириш, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз.

Тўртинчи. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш ниятидамыз. Ўзбекистонни ЕОИИнинг интеграциялашган ахборот тизими ва “Рақамли иттифоқ” лойиҳасига улаш масалаларини биргаликда ишлаб чиқишга тайёрмыз. **Бешинчи.** Аграр соҳада кооперация дастурини тайёрлаш тарафдоримиз. Гап қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорларимизга ўзаро кириб боришини енгиллаштириш, инновацион агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш, илгор илмий ишланмаларни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида бормоқда. **Олтинчи.** Сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантириш мақсадида Бирлашма давлатлари фуқароларига мамлакатимизга

ички хужжатлар билан кириш имконини берувчи тартибни жорий этиш ниятидамыз. Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида ЕОИИ бўйича шериклар билан яқин ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Фурсатдан фойдаланиб, хурматли Александр Григорьевич Лукашенкони ташкилотта раислик Беларусга ўтиши муносабати билан табриклияман ва унга муваффақиятлар тилайман. Барчангизни, қардош халқларимизни кириб келётган Янги йил билан яна бир бор самимий табриклар, фаровонлик ва раванг тилайман. Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь кунини бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга Оқтоу шаҳри яқинида йўловчи самолёти ҳалокати оқибатида кўлаб инсонлар қўрбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчиси орқали ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлик ва далда сўзларини

йўллади, жабрланганларнинг барчаси тез фурсатда соғайиб кетишини тилади.

ЎЗА

КАМБАҒАЛЛИК ОРТГА ЧЕКИНМОҚДА

БУ — БИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧ

Юртимизда “Инсон кадри учун” ғояси асосида аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса, ижтимоий химояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилди. Унинг доирасида ишсизларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорлигини бошлашга қўмақлашиш, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида улкан ишлар бажарилди. Бугун ҳам бу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

► Давоми 2-бетда

ЭКОФАОЛ ЮРТ ФУҚАРОСИ МАҚОМИГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўтиб бораётган 2024 йил юртимизда экологик масалалар ечимига қаратилган катта ўзгаришлар, халқаро даражадаги ташаббусларга бой бўлди. Бунинг мантиқий давоми сифатида 2025 йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилинди. Хўш, нега янги Ўзбекистон экологик масалалар ечимига қаратилган ташаббусларни илгари сурапти? Бундай ташаббуслар, экологик ислохотлар замирида қандай ҳаётий ҳақиқатлар бор? “Яшил” иқтисодиёт нима, атроф-муҳитни асраш деганда нималарни тушунишимиз керак?

Шу каби саволларга “Заррабин” орқали жавоб топиш учун Ўзбекистон Экологик партияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик партиясининг фракцияси раҳбари Абдушукур ҲАМЗАЕВга мурожаат қилдик.

► Давоми 3-бетда



2024 ЙИЛ: ИСЛОХОТЛАР САРҲИСОБИ

КАМБАГАЛЛИК ОРТГА ЧЕКИНМОҚДА

БУ — БИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда камбағалликни қисқартришга катта эътибор қаратилган. Аҳолининг кенг қатлами қамраб олинб, ишсизлик босқичма-босқич бар-тарараф этилмоқда. Ишлатилмай келинаётган томорқалардан унумли фойдаланиш умуммиллий ҳаракати бошланди. Ўзини ўзи банд қилиш, яқка ва оилавий тадбир-корлик ривожлантишти. Имтиёзли кредит ажратилиб, янги иш ўринлари очилмоқда. Бундан ташқари, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик йўналишларида ҳам кенг қўлайликлар яратилмоқда.



Муротжон АЗИМОВ, Қашқадарё вилояти ҳокими

Азалдан Қашқадарё воҳаси аҳлининг асосий қисми шахсий томорқасига эга бўлиб келган. Бир қарич ерни мўмай даромад манбаига айлантириш ҳам кўп. Аммо ҳовлисидаги бор имкониятдан ҳамма тўлақонли фойдаланмаётган экан, бунинг уд-дасидан чиқолмайди. Аслида, бунинг учун катта маблағ зарур эмас. Фақат астойдил меҳнат қилинса бўлган. Буни ҳозир одам-лар яқин тушуниб етди. Ўзи ташаббус кўрсатиб, икки сотих ердан ҳам даромад олиш мумкинлигини англамоқда.

Илгари бирор маҳалла гузари олдида ўтсак, камида 10-15 киши бекорчиликдан шунчаки вақт ўтказиш учун гурунглашиб ўтирганга гувоҳ бўлардик. Мабодо шу пайтда улардан бирортасини гапга солсан-гиз, нақ балога қолардингиз. Сабаби одам-лар фақат нолишу етишмовчиликдан нари-га ўтмасди. Аста суриштириб кўрсангиз, ўн сотих томорқасини ажриқ босиб ётган бўларди. Ҳозир бундай ҳолатга кўзин-гиз тушмайди. Қайси хонадонга кирманг, бўлакча файз, шукуҳга гувоҳ бўласиз. Одамларнинг турмуши яхшиланаётгани уларнинг юзида, сўзида намоён бўлмоқда. Рўзгорларга барака кириб, аҳолининг ро-зилигини ортиб бормоқда.

Бугун вилоятимизда 3 миллион 600 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шундан 1 миллион 847 минг меҳнатга лаёқатли.

Иш билан банд фуқаролар 1 миллион 231 минг киши. Жумладан, 498 минг расмий, 590 минг норасмий секторда иш билан машғул. 83 минг кишини ишга жойлаштириш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, ишсизлик даражаси 6,3 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда фаолият юритаётган 828 ҳоким ёрдамчиси томонидан 2024 йил учун тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлар асосида сезилар-ли натижаларга эришилди. Хусусан, 418 минг 884 фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Улардан 200 га яқини доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди, 202 минг 795 нафари ўзини ўзи банд қилган сифатида рас-миёштирилди. 12 минг 647 киши яқка тартибдаги тадбиркорликка, 7498 юртдо-шимиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига

“ Ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида 32 мингдан зиёд фуқарога 598,5 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Асосан, қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 20 минг 844 лойиҳа учун 438,1 миллиард сўм тақдим этилди. Жумладан, иссиқхоначилик бўйича 592 лойиҳага 15,3 миллиард сўм, мева-сабзавот ва боғдорчилик бўйича 3181 лойиҳага 39,9 миллиард сўм, чорвачилик бўйича 11 минг 910 лойиҳага 273,1 миллиард сўм, паррандачилик бўйича 1924 лойиҳага 21 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилик бўйича 507 лойиҳага 13,7 миллиард сўм берилди. Шунингдек, зарур асбоб-ускуна сотиб олиш учун 2659 лойиҳага 74,7 миллиард сўм йўналтирилди.

жалб қилинди. Яна 3748 ишсиз хунар-мандлик фаолиятини йўлга қўйиш, 7141 одам ижара асосида ер ажратиш ҳисобига иш билан банд қилинди.

Ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида 32 мингдан зиёд фуқарога 598,5 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Асосан, қишлоқ ҳўжалиги йўнали-шидаги 20 минг 844 лойиҳа учун 438,1 миллиард сўм тақдим этилди. Жумла-дан, иссиқхоначилик бўйича 592 лойи-ҳага 15,3 миллиард сўм, мева-сабзавот ва боғдорчилик бўйича 3181 лойиҳага 39,9 миллиард сўм, чорвачилик бўйича 11 минг 910 лойиҳага 273,1 миллиард сўм, паррандачилик бўйича 1924 лойиҳага 21 миллиард сўм, балиқчилик ва асалари-чилик бўйича 507 лойиҳага 13,7 миллиард сўм берилди. Шунингдек, зарур асбоб-ускуна сотиб олиш учун 2659 лойиҳага 74,7 миллиард сўм йўналтирилди.

Бундан ташқари, хизматлар соҳасига доир 3793 лойиҳага 86 миллиард сўм, ху-нармандлик бўйича 5695 лойиҳага 51 мил-лиард сўм, ишлаб чиқаришга алоқадор

1527 та лойиҳага 23 миллиард сўм ҳамда бошқа йўналишлар бўйича 151 лойиҳага 1 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредит ажратилди. 20 мингдан зиёд фуқаро касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Жумладан, бандлик тизимида-ги мономарказ ва таълим муассасаларида 10 минг 598, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабиде 568, нодавлат таълим муасса-саларида 1605, Савдо-саноат палатасида 3039 ҳамда хотин-қизларни тадбиркор-ликка тайёрлаш марказларида 4532 киши касб-хунар ва тадбиркорлик бўйича ўқи-б, сертифицикат олди.

Ҳозирги ҳисоб-китобла-римизга кўра, 193 минг 955 нафари иш-билармонлик муҳитига олиб кирилди. Шундан 165 минг 743 нафари ўзини ўзи банд қилиш бўйича ижтимоий солиқ тў-лаганлар, 13 минг 98 нафари яқка тартиб-даги тадбиркорлар, 4241 нафари тадбир-корлик субъекти ташкил қилганлар ва 10 минг 873 нафари деҳқон ҳўжалиги сифа-тида рўйхатдан ўтганлардир.

Бу йил аввалида 103 мингта камбағал оила бўлиб, камбағаллик даражаси 11,5 фоизни ташкил этган. Мазкур амалий саъй-ҳаракатлар туфайли 1 октябрь ҳо-латига кўра, бу кўрсаткич 8,8 фоизга тушди. Ишимиз шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Ҳали олдимизда улкан мақсадлар туриб-ди. Жумладан, энгил конструкцияли иссиқхо-налар ўрнатиш учун 104 фуқарога 954,5 миллион сўм, сугорчи воситалари харид қилиш учун 49 фуқарога 101,2 миллион сўм, зарур ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун 4649 нафар фуқарога 16,5 миллиард сўм ва бошқа йўналишлар бўйича 1188 фуқарога 4,3 миллиард сўм сарфланди. Жорий йилнинг ўтган даври-да 4241 та юридик ва 13 минг 98 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини барқарор даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қар-ратилмоқда. Хусусан, 2021 йилда 60 фоиз-дан ортиқ аҳоли ихтисослашуви бўйича банд бўлган маҳаллалар сони 23 тани ташкил этган. Бугун эса айнан ҳоким ёр-дамчиси институти жорий қилинган ту-файли ушбу кўрсаткич 263 тага етди.

Бундан ташқари, жорий йилда 7460 гектар ер ажратилиши режалаштирилган-ди. Шу йилнинг ўтган даврида 5271 гек-тар майдон ижара асосида узоқ муддатга

деҳқон ҳўжаликлари учун ажратиб берилди. Ҳоким ёр-дамчилари ва тижорат банкла-ри томонидан ҳар бир маҳаллада кичик ишлаб чиқариш, хизмат ва савдо объектларини ташкил этиш учун умумий қўймаги 1 триллион 470 мил-лиард сўмлик 25 минг 582 та микролойиҳа ишга туширилди ҳамда 43 мингдан ортиқ иш ўрни очилди.

Жорий йил давомида 212 минг 500 кишини бизнесга жалб қилиш режалаш-тирилган эди. Ҳозирги ҳисоб-китобла-римизга кўра, 193 минг 955 нафари иш-билармонлик муҳитига олиб кирилди. Шундан 165 минг 743 нафари ўзини ўзи банд қилиш бўйича ижтимоий солиқ тў-лаганлар, 13 минг 98 нафари яқка тартиб-даги тадбиркорлар, 4241 нафари тадбир-корлик субъекти ташкил қилганлар ва 10 минг 873 нафари деҳқон ҳўжалиги сифа-тида рўйхатдан ўтганлардир.

Бу йил аввалида 103 мингта камбағал оила бўлиб, камбағаллик даражаси 11,5 фоизни ташкил этган. Мазкур амалий саъй-ҳаракатлар туфайли 1 октябрь ҳо-латига кўра, бу кўрсаткич 8,8 фоизга тушди.

Ишимиз шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Ҳали олдимизда улкан мақсадлар туриб-ди. Жумладан, энгил конструкцияли иссиқхо-налар ўрнатиш учун 104 фуқарога 954,5 миллион сўм, сугорчи воситалари харид қилиш учун 49 фуқарога 101,2 миллион сўм, зарур ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун 4649 нафар фуқарога 16,5 миллиард сўм ва бошқа йўналишлар бўйича 1188 фуқарога 4,3 миллиард сўм сарфланди. Жорий йилнинг ўтган даври-да 4241 та юридик ва 13 минг 98 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ОЗИҚ-ОВҚАТ хавфсизлиги

НАТИЖА КУТИЛГАНИДАН ЗИЁДА

Ер юзиде иқлим ўзгариши, табиий офатлар, сув танқислиги, қурғоқчилик, урушлар сабаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш қийинлашяпти. Бундан ташқари, аҳоли сони ошиши сари озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ҳам ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё аҳолиси ўртача 80 миллиондан зиёдрокқа кўпаймоқда. 2050 йилга келиб, аҳоли сони 10 миллиард кишига яқинлашиши тахмин қилинмоқда.

Албатта, шунча аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш жаҳон мамлакатлари олдида турган энг муҳим вазифага айланмоқда. БМТ экспертлари ҳулосасига кўра, айни вақтда дунё бўйича бир миллиардга яқин киши очарчилик таҳдиди остида яшамоқда. Шу сабаб дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда қишлоқ ҳўжалигининг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун юртимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга эҳтиёжини қондириш баробарида мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали жаҳонда озиқ-овқат таъминотига ҳам салмоқли ҳисса қўшишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мисол учун, яқинда давлатимиз раҳбари раислигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш-ни кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида республика бўйича озиқ-овқат экспорти ўтган йилдагига нисбатан 370 миллион доллар, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошгани қайд этилди. Ушбу кўрсаткичда Жиззах вилоятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан, мазкур йиғилишида Президентимиз Жиззах вилоятининг озиқ-овқат экспорти ўтган йил-дагидан 2,2 баробар ошганини таъкидлади.

“Янгиобод” МФЙлари ҳудудида 105 гектар майдонда узумчилик плантацияси ташкил этилмоқда. Лойиҳанинг дастлабки босқичи-да 250 та янги иш ўрни яратилади. Бирин-чи навбатда ишсиз ёшлар, хоризждан қайтиб келган юртдошларимиз, эҳтиёжманд оила вакиллари иш билан таъминланади. Ушбу плантация ҳосилга киргач, аҳоли даромади-

кишиш узумлари бетақорр таъми ва маза-си, қора кишишдан тайёрланган майиз эса ширинлиги, табиийлиги билан ном чиқарган ҳамда бошқа жойларда етиштирилган узум-лар ва майизлардан ажралиб туради. — дейди “Balandosmon garden” МЧЖ бош агрономи Намоз Қамбаров. — Шунинг учун аукцион орқали 100 гектар ер олиб, узумзор қилияпмиз.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлаш баробарида ҳудуд экспорт сало-ҳиятини ошириш учун ҳам қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Худди шундай, Форш туманининг Эғиз-булоқ ва Оқтом маҳаллаларида жойлашган юз гектарда йирик узум плантацияси барпо этилмоқда.

Бугунгача 50 гектарни тайёр ҳолатга келти-риб, тоқларни экиб бўлди. Уч йил деганда ҳосилга қиради. Бешинчи йилдан экспортга тайёр бўлади. Шундан бир тупдан ўртача 15 килограмм узум олсак, тўрт килодан майиз чи-қади. Бир гектаридан бир-бир ярим тонна май-из оламиз. Шунингдек, майиз қуритадиган миницеҳлар қуриб, хоризжга экспорт қилиш ниятимиз бор. Форш узуми ва майизнинг бозори чаққон, хариддорғир. Шу сабаб ушбу лойиҳага ҳеч иккиланмасдан қўл урдик.

“Илгари бирор маҳалла гузари олдида ўтсак, камида 10-15 киши бекорчиликдан шунчаки вақт ўтказиш учун гурунглашиб ўтирганга гувоҳ бўлардик. Мабодо шу пайтда улардан бирортасини гапга солсангиз, нақ балога қолардингиз. Сабаби одамлар фақат нолишу етишмовчиликдан нарига ўтмасди. Аста суриштириб кўрсангиз, ўн сотих томорқасини ажриқ босиб ётган бўларди.”

тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқи-тилиб, бандлиги таъминланади. Аҳоли даромадини ошириш учун деҳқон ҳўжа-ликлари ташкил қилиш мақсадида пахта ва галладан қисқартirilган 5850 гектар ер 11 минг 700 кишига бўлиб берилади. Маҳаллаларда 33 мингдан ортиқ микроло-ийҳа амалга оширилиб, 66 минг кишининг бандлиги таъминланади. Янгидан 6820 та юридик мақомдаги ва 8395 та яқка тар-тибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади.

2025 йилда 21 минг 797 та оилани кам-бағалликдан чиқаришга бел боғлаганмиз. Бунинг учун барқарор бандлик ва юқо-ри даромад топишга эришиш орқали 83 минг 795 киши иш билан таъминланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш на-тижасида йил якунига қадар камбағаллик кўрсаткичини 6,4, ишсизлик даражасини эса 5,4 фоизгача пасайтириш режалашти-рилган.

Ижтимоий юқсалишдан барқарор иқ-тисодиёт сари дадил илдамлар эканмиз, албатта, кўзланган мақсадга эришиш осон бўлмайди. Бунинг учун барчамиз елкадош бўлиб, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда ишласак, юртимиз янада обод ва фаровон бўлаверади. Энг муҳими, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаётида ижо-бий ўзгаришлар рўй беради. Бу қўяётган қадамимиз тўғри эканини аниглайди. Янги йилда улкан ютуқлар томон интиламиз ҳамда камбағалликдан фаровон ҳаёт сари дадил қадам ташлаймиз.

Ешлар тажрибали деҳқонлар кўмағида брокколи карамининг гектаридан 12 тонна-га ҳосил олишга эришилди. Олинган ҳосил эса жойида корпорация ташкил этган тадбиркор томонидан сотиб олинб, Россияга экспорт қилинди.

— Биз, ёшларга берилаётган эътибордан хурсандмиз, — дейди Гафур Гулом маҳалла-сида яшовчи Шерзод Янгибоев. — Маҳалла-миздаги ёшлар етакчиси такоррий экин учун брокколи карами етиштиришга ёшларга ер, бошлангич харажатлари учун имтиёзли кре-дит берилади, деди. Ушбу пайтда бу синов тариқасида жиқлаётгани учун кўпчилик икки-ланди. Мен таваккалчиликка мойилликни са-бабли бир гектар ерга брокколи эқдим. Албат-та, уни парварнишладда бизга мутахассислар маслаҳат берди. Натияжа эса ўйлаганымиздан зиёда бўлди, мен гектаридан қарий 10 тонна-гача, базиллар 12 тоннагача ҳосил олди. Ҳо-силни даланнинг ўзидан килосини 9000 сўмдан тадбиркорлар олиб кетди. Ўрта ҳисобда гек-таридан 90 миллион сўмдан даромад қилдик, харажатларини чиқарсак ҳам яхшигина соф даромадли бўлдик. Даромадимизни қўриб, бошқар ҳам келаси йилдан эконоки бўляпти. Ахир Ўзбекистон шароитида тўрт ой ичида шунча даромад топиш яқини натияжа, энди хо-рижга чиқиб ишлашга ҳожат йўқ.

Мамлакатимиздаги ислохотлар бир-би-ри билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг тў-ри мазмун-моҳиятида эса ҳақ фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини янада ях-шилаш ётганини юқоридеги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Чунончи, аҳолини ар-зон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари бил-лан узулкисиз таъминлашга қаратилган ишлар натижасида ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги таъ-минланмоқда, ҳам минглаб аҳоли даромадли бўлмоқда, ҳам мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошмоқда.

Ҳариддор бўлишга қарий 100 гектар майдоннинг 159 гектарига сабзавот, 2233 гектарига полиз, 100 гектарига картошка, 450 гектар мойли, 3995 гектар дуқжалли, 910 гектар озуқа экин-

лари экилиб, юқори ҳосил олишга эришилди.

Жиззах вилоятида яқин йилларгача сув танқислиги сабаб иккинчи экинга рухсат йўқ эди. Фақатгина қўшни давлатлар билан ўза-ро манфатли, дўстона муносабат ўрнатилиб, бошқа масалалар қаторида сув масаласида ҳам муҳим келишувларга эришилганидан сўнг, мана, нечи йиллардан бери галладан бўшаган минглаб гектар ерга сабзавот, полиз ва дуқжалли экинлар экилмоқда. Бу ҳам мам-лакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлашда муҳим омили бўлмоқда.

Биргина Арнасой туманида жорий йил галладан бўшаган 7847 гектар майдоннинг 159 гектарига сабзавот, 2233 гектарига полиз, 100 гектарига картошка, 450 гектар мойли, 3995 гектар дуқжалли, 910 гектар озуқа экин-

ЭКОФАОЛ ЮРТ ФУҚАРОСИ

МАҚОМИГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ



Заррабин

кўмир харажати камаяди. Энергия олиш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш каби қатор тармоқларда ушбу маҳсулотлар камроқ ишлатилади. Натижада табиий бойликлар келажақ авлодга кўпроқ етиб боради. Шу маънода, янги Ўзбекистондаги “яшил” энергетика ислохотини келажақ кафолати, деган бўлардим. Зеро, у мамлакатнинг қон томири, ҳатто юраги бўлган иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Зеро, XXI асрда иқтисодий ўсиш энергетикага бевосита боғлиқ эканини ортқича таърифлаш шарт эмас. Бизни мамнун этадиган, қалбимизни фахрга тўлдирадиган жиҳат шуки, мазкур йўналишда қисқа муддатда жуда катта ислохотлар амалга оширилди.

2021 йилгача мамлакатимизда “яшил” энергетика улуши нолга тенг эди. Бироқ икки йилда 16 фоизга етказилди. Тасаввур қилинсин, икки йилда нолдан 16 фоизга кўтарилди! Бу айтишга осон, аммо амалиётда жуда катта меҳнат, маблағ сарфи деганидир. Бунинг захматини фақат мутахассислар ҳис этиши мумкин. Очиги, бу ислохотларни сўз билан ифодалаб беришга қийналанаман. Бунга сўз бойлигим камлиги эмас, балки ислохотлар кўлами кенглиги сабаб. Чунки Ўзбекистон мазкур йўналишда энди тажриба тўплайётган мамлакат бўлиши керак эди. Амалда эса соҳада илгор бўлган мамлакатлар мутахассисларини ҳайратлангирадиган даражада катта ютуқларга эришиб, пешқадамга айландик. Марказий Осиёда етакчи бўлдик.

Ушбу кўрсаткич 2030 йилгача яна 3,5 қара оширилиши назарда тутилмоқда. Ўшанда қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Мамлакат энергетикасининг ярмидан кўпи табиатга зарар келтирмайдиган, иқтисодий ўсишга сабаб бўладиган қувватли ресурслар билан таъминланади. Одатда тарихий ҳодисаларга бевосита гувоҳ бўлганлар унинг аҳамиятини, керак бўлса, ҳайбатини тўла англаб етавермайди. Чунки ўзгаришларни оддий ҳаёт тарзи сифатида қабул қилади. Бугун янги Ўзбекистонда экологик масалалар ечимига қаратилган ислохотлар кўламини “Заррабин” орқали қараш биз каби экологларга завқ беради. Зеро, мамлакатимиз экологик фаоллик билан масалаларга аниқ ечимлар тақлиф этмоқда. Бундай ўзгаришлар эса ҳар қандай давлатдаги экофаолларнинг орзусидир.

Жорий йил 13 декабрда Президентимиз раҳбарлигида янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навабдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Уша кун мамлакатимиз тарихидаги катта воқеа сифатида ёдга қоладиган бўлди. Тасаввур қилинг: бир вақтинчи ўзида энергетика соҳасидаги 18 та мажмуа ишга туширилди. Яна 6 тасининг қурилиши бошланди. Иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини чуқур таҳлил этган киши бу жараённинг нақадар улкан ҳодиса эканини ҳис этади. Масалан, ушбу янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда кўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Натيجанда 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаллади, 4,6 миллион тонна зарарли газ чиқарилишининг олди олинади. Мухими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуқсиз тоза энергия билан таъминланади. Бу иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради. Бу рақамлар ортда жуда катта ҳаётини ютуқлар етибди. Уларга эса юртимизда “яшил” энергетика кўламини ошириш орқали эришялмиз.

Очиги, жамиятимиздаги кўпчилик “яшил” энергетика аслида нима экани, аҳамияти қандайлигини тўлиқ англаб етгани йўқ деб ўйлайман. Тўғри, “яшил” энергетика мумкин эканини биламиз. Аммо мамлакатимизда бу борадаги ислохотлар қай тарзда, қайси шароитда амалга ошириляётгани, унинг ортдаги машаққатни тўла тушуна олганимиз, мазкур янгиланишлар келажақда қандай самара беришини англаганимиз йўқ.

“Яшил” энергетика орқали биз табиатга чиқариладиган зарарли газни камайитиришга эришамиз. Эътибор қилинг: аҳоли йил сайин кўпайиб бораверади. Бу мусоффо ҳавога талаб охиб боришини англайди. Демак, тоза ҳаводан тўйиб нафас олишимиз учун ҳам “яшил” энергетика керак экан. У табиат мувозанатини сақлаш, саломатлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳар ойнинг тўртинчи чоршанбасида Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида “Авто-мобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳаси ўтказилди. Жорий йил ушбу тадбир доирасида жамоат транспортидан фойдаланиш орқали 800 мингга яқин транспорт ҳаракати чекланди. Бунинг натижасида атмосферага 2320 тонна зарарли ташлама чиқарилишининг олди олинди.

Мана шу маълумотнинг ўзиёқ қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўламини ошириш орқали табиатни асрашда катта натижаларга эришиш мумкинлигини далиллат беради. Ахир “яшил” энергетика сабаб жуда катта миқдордаги табиий ресурслар, нефть,



ЮРТИМИЗДА “БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!” ДЕГАН ШИОР АТРОФИДА БИРЛАШИШ ҒОЯСИ ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА. УШБУ ШИОР “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМ АМАЛ ҚИЛИШИ КЕРАК ДЕБ ЎЙЛАЙМАН. ИМКОНИМИЗ ЕТАДИМИ, ДАРРОВ ХОНАДОНИМИЗНИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШИМИЗ ЗАРУР.

сурилмоқда. Ушбу широр “яшил” энергетика соҳасида ҳам амал қилиши керак деб ўйлайман. Илк кунимиз етадимиз, дарров хонадонимизни “яшил” энергетика билан таъминлашимиз зарур. Бу борада ҳам қатор энгилликлар, субсидия ва имтиёзли кредитлар берилмоқда. Шулардан самарали фойдаланишимиз керак. Мана шу харажатимиз билан оз бўлса-да, экологик барқарорликка ҳисса қўшишимиз шарт.

Экологик барқарорлик ҳақида гап кетар экан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини эътироф этишимиз керак. Ҳўш, нима учун табиат мувозанати ҳақида фикр юритганимизда дарҳол экишни биринчи бўлиб эслаймиз. Бунинг бир қанча муҳим сабаблари бор.

Биринчидан, дарҳол фотосинтез жараёнида углерод диоксидини сўриб, кислород ишлаб чиқаради. Бу инсон ва ҳайвонлар ҳаёти учун муҳим. Айнаи пайтда у ҳавони тозалайди. Янги дарҳоллар ҳаводаги чанг, захарли

Кўрясизми, биргина “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси қанчадан-қанча экологик масалалар ечими бўла олади. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланиб, қисқа муддатда халқро миқёсда эътироф этилган лойиҳанинг аҳамияти жуда катта.

Ўтаётган йилда мазкур лойиҳа доирасида самарали ишлар қилинди. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича йил давомида 224 миллион туп кўчат экилди. Биргина баҳорги кўчат экиш мавсумида мамлакат бўйлаб 138 миллион туп ниҳол ўтказилди. Бу қутилган натижага нисбатан 110,5 фоиз кўп дегани. Кўзга мусулман эса ушбу кўрсаткич 86 миллион туп кўчат билан 107 фоизни ташкил этди. Энди муайян вақт ўтиб, ушбу кўчатларнинг катта боққа айланishi ва табиатга қанчалик фойда бўлишини кўз олдидан келтириб. Бот-бот тақрирлаётганимиз — тарихий воқеаларнинг ўқ томири, шу аслида.

Бугунги экологик муаммолар, улар келтириб чиқараётган оқибатлар ҳақида барчамиз яхши биламиз. Бутун дунёда глобал исийш

эгаллик қилишини, уни гуллаб-яшнашини истайди. Ҳолат шу даражага етди: мўйсифид дарҳолни қулашдан асраб қолиш учун жонини тикади. Уни елкаси билан тўсиб қолиб жароҳатланади. Шундай фазилатлари сабаб ҳиконнинг яна бир қаҳрамони — Қисматилло мўйсифидни Ўзбек бобо деб атайдим. Демократизм, халқимиз азалдан дарҳолларни ардоқлаган. Унга ўз боласидай муносабатда бўлган. **Бугун дарҳол экаётган ва бунга тарғиб қилаётганларни, яшил оламга меҳри чексиз юртдошларимизни кўрганимизда уларни Ўзбек бобо деб атагим келади.**

Янги Ўзбекистондаги экологик ислохотларга барчамиз камарбаста, Ўзбек бобо сиймосига муносиб бўлишимиз керак деб ўйлайман. Бу эса экологик маданиятимиз билан боғлиқ. Шу ўринда экологик маданиятимиз ҳақида фикр алмашасак. Зеро, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йили самарали бўлиши бир бутун ҳақ сифатида экологик маданиятимизни юксалтиришимизга боғлиқ.

XXI асрда табиат мувозанати нздан чиқа бошлади. Оддий мисол: кундали турмушимизда ҳосил бўладиган чиқинди билан боғлиқ ҳолат сув, тупроқ, атмосфера каби асосий

ишларимиз, мақсадли лойиҳаларимиз кумга сингган сувдек исиз кетмоқда.

Жамиятда экологик маданият шаклланиши учун экологик ҳуқуқбузарликка мурасасиз муносабат, ён-атрофдаги ҳолатларга даҳлдорлик ҳисси катта тўлқин мисоли ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Биз яқна тарзда, ҳар бир киши ўз ҳолича қанчалик табиатсевар бўлмасин, атроф-муҳит муҳофазаси учун нечоғлиқ жон куйдирмасин, табиатга зарар етказиш давом этаверади. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йилида мана шундай тарқоқ ташаббусларимиз бир мушт бўлиб жипслашишига ишонаман.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизда фуқароларнинг атроф-муҳитга эътиёткорона муносабатда бўлиш ва мулкдорнинг мол-мулкдан фойдаланишида табиатга зарар етказмаслиги билан боғлиқ бурчлари қатъий белгиланган бўлди. Бунга самарали амалга оширишимиз, ҳар бир юртдошимиз ўзининг ана шу бурчига тўлиқ амал қилишига эришимиз учун бугун қатъий механизмларга эҳтиёж пайдо бўляпти. Бунга эса аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки ва жамиятда экологик маданиятни юксалтириш орқалигина эришиш мумкин.

Экологик таълим, экологик саводхонлик борасида сўнгги йилларда юзлаб, балки минглаб тадбирлар ўтказилди. Аммо тан олишимиз керак, халқимизнинг экологик онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг экологик саводхонлигини ошириш борасида кўплаб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Оддийгина мисол: экологик таълим ҳақида сўз борганда баъзан “Бунинг учун етарли кадрлар йўқ, аввало, мутахассислар тайёрлашимиз керак...”, деган гапларни эшитамиз. Наҳотки, ота-боболаримиз, кайвони момоларимиз минг йиллар давомида “Сувга қараб сурма”, “Останонгини озода ту”, “Ҳовлингдаги чиқиндини кўчага ташлама...” каби оддий тутумлар билан бутун бошли қишлоқларда тозалик-озодлик, хайр-баракани сақлаб келгани ҳолда, бугун бизга шуларни ўргатиш учун мутахассис керак бўлса?

Юқорида Ўзбек бобони бежиз мисол қилиб келтирмадик. Бу борада янги йилда барчамиз бирлашиб, кенг кўламли тарғибот олиб боришимиз керак. Зарур бўлса, шундай ҳикояларни фильмга айлантириш, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар ижтимоийда фойдаланиб тарғиб этишимиз шарт. Урни келганда айтиб ўтай: “Янги Ўзбекистон” газетасида экологик масалаларга бағишланган таҳлилий мақолалар бериб боришимиз жуда самарали аёнана. Келгусида бундай чиқишларни янада кўпайтириш тарафдоримиз. Чунки Ўзбек бобо каби табиат, мамлакат фойдалойиларига камарбаста бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

2024 йилда янги Ўзбекистон халқаро майдонда экофаол мамлакат сифатида танилди, тан олинди. Бунга ўтиб бораётган йилда халқро даражадаги йирик тадбирлар, хусусан, БМТнинг Жаҳон иқлим саммити (COP29) мисолида ҳам кўриш мумкин. Демак, ҳар биримиз шунга муносиб тарзда ва-зифамизни бажаришимиз, келгуси йил учун экологик режаларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз керак. Зеро, табиатни асраш инсонни, келажақни асраш демақдир!

“Янги Ўзбекистон” мухбири Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ ёзиб олди.

ташкил этади. Шу йил 13 декабрь кунини янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навабдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари ушбу фактларни, келгусидаги режаларни айтди. Ўшанда кўнглимдан бир гап ўтди: насиб этса, 2030 йилга биз режадагидан ҳам катта натижа билан етиб оламиз. Чунки бунга етарлича имконият ва салоҳиятимиз бор. Ахир хорижлик экспертлар, айниқса, шу соҳага сармоя киритадиган, узок йиллик тажрибага эга мутахассислар ушбу йўналишдаги ишларимиз истиқболга юксак ишонч билдирмоқда. Бу бежиз эмас, ахир. Улар шу орқали келажагимиз кафолатига юқори баҳо бермоқда. **Демократизм, янги Ўзбекистон “яшил” энергетика соҳасида жуда катта сакраш қилди. Бошқалар юраётганда биз югура олдик.**

Юртимизда “Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” деган широр атрофида бирлашиш ғояси илгари модда ва углерод диоксидини филтратлаб, атроф-муҳит мусофоллигини таъминлайди. **Иккинчидан,** дарҳоллар илдизини ерни мустаҳкам тутиб, эрозия жараёнини тўхтатиб туради. Бу сув тошқини, гармсел ва бошқа зарарли шамоллардан ҳимоя қилади. Гармсел иссиқ ва қуруқ бўлгани боис, ер юзасидаги озиқ моддаларни учуриб, тупроқ унумдорлигини йўқ қилади. Дарҳол эса шамол тезлигини пасайтиради. Бу шамол эрозияси, зарарли заррачалар ва чангининг таъсирини қисқартиради. Мухими, яшил олам ҳаво хароратини мўътадил сақлашга хизмат қилиб, буғланшини секинлаштиради. Шу тариқа дарҳоллар гармселининг салбий оқибатларини юмшатади. Қолаверса, шу жараён орқали табиатда сув айланишини барқарорлаштиради.

Учинчидан, дарҳоллар кўлаб қушлар, ҳайвонлар, ҳашарот ва ўсимликлар учун табиий бошпана ва озиқ-овқат манбаидир. Шу орқали биохилма-хилликни сақлашга ёрдам беради.



“Яшил” энергетика орқали биз табиатга чиқариладиган зарарли газни камайитиришга эришамиз. Эътибор қилинг: аҳоли йил сайин кўпайиб бораверади. Бу мусоффо ҳавога талаб охиб боришини англайди. Демак, тоза ҳаводан тўйиб нафас олишимиз учун ҳам “яшил” энергетика керак экан. У табиат мувозанатини сақлаш, саломатлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.



ортдан сув танқислиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби хатарлар билан юзма-юз турибмиз. Нима учун? Чунки дунё аҳли ўз вақтида экологик масалаларга етарлича эътибор қаратмади. Тақлиф қилинган ечимлар ҳам ҳаётбахш аҳамият касб этмади. Биргина мисол: биз узок вақтлардан бери Орол фожияси ҳақида бонг ураемиз. Халқро даражадаги масъулар ҳам бунга эътибор бергандай, масалани ҳал этишга киришгандай бўлди. Аммо вазият ёмонлашишда давом этди-ку! Янги Ўзбекистондаги ислохотлар сабаб Оролнинг қуриган тубини яшил қоплама билан қоплаб олиш ҳаракати бошланди. Бугун Оролда зарарли чанглар кўтарилishi камаймоқда. Бу айнан мана шу ислохотлар натижаси. Янги йилда атроф-муҳитни асраш борасидаги барча ишмиз мана шундай самарали бўлиши керак! Бу бир-икки масъулга эмас, кенг жамоатчилик, бутун жамиятга бирдек масъулият юклайди.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуккур Холмировнинг “Ўзбек бобо” ҳикоясини эслаб ўтмоқчиман. Ҳикоя қаҳрамони — мўйсифид бутун умрини богига бағишлайди. Уни ўз боласидай яхши кўради. Шаҳарга кўчиб кетган ўғли келиб, шу боққа

тириклик унсурларига улкан зарар етказиладиган муаммага айланади. Табиат бағридан тортиб олаётганимиз сувни эса алақачон беқадр неъматлар сафига қўшиб қўйганмиз. Тежаз, оқилона фойдаланиш, ифлослантормаслик каби тушунчалар фитратимизга бегоналашиб бормоқда.

Экологик муаммоларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларга қарши муайян кишилар, санокли ҳудудлар, ҳатто санокли мамлакатлар кураши билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Уларга қарши курашишни, аввало, ҳар бир инсон ўзиндан бошлаши, атрофидогилардан ҳам шуни талаб қилиши, жамиятда табиатга қарши ҳар қандай салбий ҳолатга мурасасиз муносабат шаклланиши зарур. Мана шу экологик маданият бўлади!

Экологик маданият ҳақида кўп гапирамиз, тадбирлар ўтказамиз. Ҳатто бу борадаги катта лойиҳаларга маблағлар ажратилапти. Лекин натижа-чи?! Афсуски, бу жиҳатдан ҳамон мақтана олмаймиз. Чунки салбий-ҳаракатларимиз тарқоқ, масъул давлат ташкилотлари ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам бу борада имконияти даражасида ҳаракат қилипти, холос. Оқибатда ушбу йўналишдаги аскарият

Камбағалликдан фаровонлик сари

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ: ШАРОИТ, ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

Кармана туманидаги Нарпай маҳалласида истиқомат қилувчи Хурсаной Ҳамзаева худудда “Гулчи опа” номи билан танилган. Ҳаётининг қирқ йилини ўқитувчилик касбига бағишлаган бу аёл ёшлигидан гул парваришига меҳр қўйди. Ўқитувчиликдан нафақага чиққан Хурсаной опа ушбу меҳр туфайли гулчиликни доимий машғулотига айлантирди. Айни вақтда ушбу йўналишда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган қаҳрамонимиз хонадонидида иссиқхонада 50 дан ортиқ турдаги гуллар парваришланмоқда. Унинг турмуш ўртоғи ва оила аъзолари ҳам тадбиркорлик фаолиятида яқиндан кўмакчи бўлиб келмоқда. Ҳозир Хурсаной Ҳамзаева ўз келинларига гулчилик сирларини ўргатиб, уларни бу ишга жалб этган. Турли гулларга бурканган гулхона набираларининг ҳам сеvimли масканига айланган.

— Касбим ўқитувчи бўлса-да, ёшлигимдан гуллар ва уларни парвариш қилишга қизиққанман. Нафақага чиққанымдан кейин бу машғулотга алоҳида эътибор қаратиш имконияти пайдо бўлди. Юртимизда ишбилармонлик, айниқса, аёллар тадбиркорлиги учун барча шароитлар яратилган. Мен ҳам бу имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, гулчилик бўйича оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим. Иссиқхона қуриб, парваришланаётган гуллар турини кўпайтирдик. Меҳнатимизга яраша йилнинг тўрт фаслида ҳам даромадимиз яхши, — дейди Хурсаной Ҳамзаева.

Кармана туманида бутунги кунда 76 мингдан зиёд хотин-қиз истиқомат қилади. Жорий йилда маҳаллаларда ишсиз ва ишлаш истагини билдирган 4093 аёлнинг рўйхати шакллантирилган. Ўтган вақт



мобайнида уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш чора-тадбирлари натижасида 1297 нафари бўш ва янгидан ташкил этилган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, 132 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб

қилинди, 156 нафари субсидия ҳамда 1246 нафари имтиёзли кредит ажратиш орқали ишли бўлди. Мухими, худудда тадбиркор хотин-қизлар сони кўпайиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошди.

Ҳозир рўзгор юмушлари, фарзанд тарбиясида ортиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, бизнесини йўлга қўйиб, одамларни иш билан таъминлаётган кўлаб тадбиркор хотин-қизлар орасида карманлик хунарманд Гулшан Рустамова ҳам бор.

— Тикувчилик йўналишида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйганимдан кейин маҳалладаги 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминладим. Асосан, аёллар либосларини тикиб, уларга миллий безаклар берамиз. Уларга нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам қизиқиши юқори. Ўтган вақт давомида ўнлаб шогирдларимга чеварлик сирларини ўргатдим. Уларнинг кўплари мустақил равишда ишлаб, даромад топомқда, — дейди хунарманд Гулшан Рустамова.

Навоий шаҳрида 81 мингга яқин хотин-қиз истиқомат қилади. Жорий йил бошида ўтказилган хатлов натижасида 1391 нафар ишсиз хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилган эди. Уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилган амалий ишлар натижасида 1269 нафарининг бандлиги таъминланди.



“Навоий вилоятида энг катта худудга эга бўлган Конимех туманида чўл майдонлари кўп. Аввалдан чорвадорлар юрти деб аталган ушбу худудда ҳам сўнгги йилларда хотин-қизларнинг яшаш тарзи, турмуши ва фаоллиги буткул ўзгарди. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, касб-хунарга ўқитиб, бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар сабабли туманда ҳар йўналишда ишбилармон ва тадбиркор аёллар сафи кенгайди.”

Шаҳарнинг асосий драйвери хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишлар мутлақо янги ҳаётга эришди. Бундан ташқари,



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Кармана туманида бугунги кунда 76 мингдан зиёд хотин-қиз истиқомат қилади. Жорий йилда маҳаллаларда ишсиз ва ишлаш истагини билдирган 4093 аёлнинг рўйхати шакллантирилган. Ўтган вақт мобайнида уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш чора-тадбирлари натижасида 1297 нафари бўш ва янгидан ташкил этилган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, 132 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 156 нафари субсидия ҳамда 1246 нафари имтиёзли кредит ажратиш орқали ишли бўлди. Мухими, худудда тадбиркор хотин-қизлар сони кўпайиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошди.”

ЧИКИНДИДАН ТАБИИЙ ТОЗА ОЗУҚА БОЗОРДА УНИНГ ЎЗ ХАРИДОРИ БОР

“Кўлмақда кимдир лойқа сувни, бошқа биров эса юлдузларнинг аксини кўради”, деган эди машҳур ёзувчилардан бири. Дарҳақиқат, орамизда бизга хуноқ, ғалати кўринган нарсаларда ҳам гўзалликни кўра оладиганлар бор.

Мингбулоқлик Алижон Рўзиев сингари тадбиркорлар эса чикиндини фойдали маҳсулотга айлантириб, яхшигина даромад топяпти. Бундан 4 йил аввал Калифорния қизил чувалчанги боқиси бошлаган Алижон ака Туркияга иссиқхона тажрибасини ўрганиш учун борганда биоғумус тайёрлашга қизиқиб қолганди. Чунки қаҳрамонимиз у ердаги иссиқхоналарда биоғумусдан кенг фойдаланилаётганига ғувоҳ бўлди. Ўзбекистонда ҳам шундай табиий ўғит тайёрлайдиганлар бормикан деб интернетдан қидиради. Андижонлик тадбиркор Рустам Усмонов чувалчанг бизнесини 25 йил аввал бошлагани, катта миқдорда биоғумус тайёрлаб

сотишини билгач, унинг олдига боради. Ўша пайтда 3 квадрат метр жойдаги чувалчангни 9 миллион сўмга сотиб олиб келиб, 20 квадрат жойда боқа бошлайди. Чувалчангнинг бир жуфти бир йилда 2000 тага кўпаяр экан. Шунинг учун Алижон ака 2 минг квадрат метрга ёйилган боқисини олиб келиб, 7-8 ойда тайёр бўлиб қолган биоғумус элакдан ўтказилганида чувалчанглар ажралиб қолади. Биоғумус ҳолига келган гўнгда озуқа қолмагани учун ҳашаротларнинг 70 фоизи ўз-ўзидан озуқа бор қаторга ўтиб олади. Шу тариқа кейинги қатордаги биоғумус тайёр олади. Чувалчангнинг ўзини сотиб олмақчи бўлганларга озуқаси билан квадрат ҳисобидан 3-4 йил олдин маҳсулотни сотиш бир оз қийин кечди. Бугун эса ҳар қанча биоғумус бўлса, қолиб кетмайди. Айниқса, иссиқхонаси борлар, фермерлар тонналаб олиб кетади. Миришкорларнинг айтишича, имкони бўлса, бир йилда бир гектарга камидан 3 тонна биоғумус кетар. Ҳар тул кўчатга 500 грамм берилса, натижаси тез билинади. Гуллаган, мева туғадиган пайтда берилса, ҳам ҳосилга, ҳам ўсимликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

— Шу кунларда 500 тонна биоғумус ҳам сотилиб кетар экан. Эҳси, захирама камлик қилди, — дейди Алижон ака. — Насиб қилса, фаолиятимизни кенгайтириб, экспортни йўлга қўймоқчимиз. Тупроқ кам жойларда бу маҳсулотнинг қадри баланд. Араб мамлакатларида унинг бир килограмми 2 долларгача сотилади. Шу ўринда чувалчанг бизнеси билан шугулланадиган юртдошларимиздан бирининг

гапи эсга тушди: “Чет элда биоғумус таркиби чуқур текширилади. Унинг таркибидаги 4 та аминокислота бошқа ҳеч нарсада мавжуд эмас экан”. Бугун юртдошларимиз ҳам биоғумуснинг фойдасини жуда яхши билиб қолди. Минерал ўғитда пишган маҳсулот организм учун зарарли эканини кўрганидан кейин мижозлар ҳам табиий пишган мева-сабзавотни қидиради-да. Дориланган тарвуз, ташқариси қизил, ичи оппоқ помидорни еб, тоби қоцаётганлар камми ҳозир.

Дарҳақиқат, кимёвий дорилар билан озикланган маҳсулотлар таркибида нитрат миқдори ошиб кетиб, истеъмол қилинганда соғлиққа путур етказишини мутахассислар ҳам таъкидлайди. Кўлаб касалликлар полиз маҳсулотларида аминокислоталар етишмаслигидан келиб чиқар экан. Шу маънода, биоғумус билан озикланган маҳсулот экологик тоза деб қадрланапти.

Бозорларда биоғумус нафақат мевасабзавот, дарахтлар, балки тувак гуллар учун кичкина ҳажмда қадоқланганини ҳам кўраемиз. Бундай қадоқдаги ўғитни асосан, аёллар сотиб олади. Бугун хонаки гулларнинг ҳам юзлаб янги хили юртимизга кириб келди. Гул бозорига бориб қолсангиз, турфалигидан кўз қамашади.

— Ҳар бир хонадонда ўртча 5 тувакда гул ўсади деб ҳисобласак, уларга бир килограммдан биоғумус солинса ҳам 5 килограмм ўғит ишлатилади. Водийнинг

ўзидан 10 миллион киши бор десак, ҳамма 5 килограммдан биоғумус сотиб олса, 20 миллиард сўм бўлади. Бир оила 10 минг сўмга 5 килограмм биоғумус солишга оғиринмас керак. Ўзбекистон бўйича хонаки гулларга биоғумусдан фойдаланиш йўлга қўйилса, 60-70 тадбиркор биоғумус тайёрлаш билан тўхтовсиз шугулланса, 1 миллиарддан даромад топиши мумкин. Қолаверса, “Яшил макон” барпо этишимиз деб минглаб тул ниҳол экяптимиз. Баъзан сув қўймай экиш ҳолатлари бўлгани учун кўплаб кўчат қуриб қолди. Агар ҳар бир дарахт остига биоғумус солинса, бу ўғит намликни сақлаши ҳисобига дарахтларнинг қуриб қолиш эҳтимоли камаяди. Бундан ташқари, тупроққа янги ўрнашган илдизга кучли озуқа бўлади.

Буноқ аллома Абу Али ибн Сино ҳам чувалчанг 40 дан зиёд касалликка даво эканини ёзган. Шу маънода, қуриб, ундан дорин-дармон тайёрлаётганлар ҳам бор. Алижон Рўзиев эса ҳозирча чувалчанг ва биоғумус савдосини кенгайтирмоқчи. Парвариш жойларини янада қулай, янгича услубда тайёрлашни режалаштирган. Айтишича, томорқда ҳам биоғумус тайёрлаб, бемалол рўзгор тебратиш мумкин. Зеро, ярим сотиқ ердан 15 тоннага маҳсулот, 30 миллион сўмгача даромад олса бўлади.

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Аграр тармок



МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИДА ТАРИХИЙ ДАВР ИРСИЯТДАГИ АСЛ ИҚТИДОР УЙҒОНМОҚДА

Кейинги йилларда барча соҳалар қатори спортда эришаётган оламшумул ютуқларимиз билан ҳам ҳақли равишда фахрлана бошладик. Айниқса, 2024 йилда спорт оламида Ўзбекистон номи кўп бора баралла янгради. Юртимиз спортчилари Олимпия ва Паралимпия ўйинларида бутун дунёни лол қолдирди. Тарихий натижалар кўлга киритилди.

иккинчи марта ёзги Олимпия ўйинларини умумжамоа ҳисобида 1-ўринда якунлади. Қисқаси, Франция пойтахтида кечган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида эслашга аригулик жиҳатлар кўп.

— Ўзбекистон бокс терма жамоаси мамлакатта бешта олтин медал олиб келди. Бу натижа, айтиб ўтганингиздек, тарихий аҳамиятга эга. Ҳали ҳеч қайси жамоа бундай кичик таркиб билан 5 олтин медални кўлга киритмаган. Ўзбекистон бокс дунёсида етакчи давлатлар қаторидан тушмай келаётганининг сабаблари ва ютуқли жиҳатларини изоҳлаб берсангиз.

— Ўзбек бокс мактабининг шонли тарихи, анъаналари бор. Сўнгги йилларда юртимиз чарм кўлқоп усталари дунё боксига “Ўзбек модели” тушунчасини олиб кирди. 2016 йилда Рио де-Жанейрода ўтган ёзги Олимпия ўйинларида ҳам боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи бўлганди. Парижда бу муваффақият тасодиф эмаслигини боксчиларимиз бешта олтин медал билан амалда исботлаб берди. Албатта, Ўзбекистон бокс федерациясининг бу борадаги ютуқлари ҳақида эътирофга лойиқ. Терма жамоада ҳар бир вазн бўйича бир-бирининг ўрнини босиб кета оладиган 3-4 нафардан тенг кучга эга таркиб шакллантирилган. Бундай рақобатда ҳар бир боксчи биринчи бўлишга интилади ва табиийки, ўсади ҳам.

Спортчиларнинг спортга мослашуви шахсининг иродасига бевосита боғлиқ. Ирода кишидаги ноёб характер; бу аввалдан бирор мақсад қўйиб, унга эришиш воситаларини олдиндан белгилаб, онгли равишда зўр бериш демакдир.

Ҳозир ўсмир ёшдаги спортчиларнинг галаба учун курашида ирода омил катта



— Энг аввало, Президентимизнинг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори тайёргарлик жараёнида биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Айнан шу қарор асосида ишлаб чиқилган махсус дастурда барча вазифа, мақсадлар, мавжуд масалалар ва ечимлари аниқ-тиниқ белгилаб берилганди. Қолаверса, Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари ва ассоциациялари билан бирга яқдил жамоа бўлиб ишланди.

ёшларни, янги-янги иқтидорларни жалб қилиш ва кашф этиш учун қандай амалий ишлар бажарилди?

— 2008 йилги Пекин олимпиадасида ҳамюртимиз Екатерина Хилько ўзбекистонлик аёл спортчилар орасида биринчи бўлиб трамплин дастурида бронза медалга сазовор бўлганди. Ушандан бери, яъни 16 йил давомида ўзбекистонлик ҳеч бир аёл спортчи Олимпия ўйинларида совриндорлар сафидан жой ололмаган. Парижда эса бир йўла икки қизимиз бу вазифани бериб берди. Дие́ра Келдиёрованын олтин медалидан ташқари, тажвондочи Светлана Осипова кумуш медалга муносиб қўрилди. Табиийки, бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу юртимизда хотин-қизлар спортга қаратилаётган эътибор самараси деб айтсак муболага бўлмайдми.

Профессионал спортга йўл омавий спортдан бошланиши бутун ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, мамлакатимизда ёш иқтидорларни саралаш, селекция жараёнига алоҳида аҳамият қаратилади. Бунда “Беш ташаббус олимпиадаси” каби омавий спорт мусобақалари, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича ўтказиб келинаётган спорт сновлари алоҳида аҳамият касб этади. Айнан мақсуд бешлашулар орқали саралаб олинган иқтидорлар кейинчалик терма жамоаларга жалб этилади. Ҳозир юртимизнинг барча ҳудудда фаолият юрғатаётган олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш марказлари эса ўқув-машгулотлар базаси вазифасини бажаради. Биз келгусида ҳам селекция ишларини янада кучайтириш, ёш иқтидорларни саралаб олиш ва профессионал спортчи бўлиб камол топиши учун зарур шароит яратиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз.

— Сўхатимиз аввалида таъкидланганидек, Париж олимпиадасида илк бор жамоавий спорт тури — футбол бўйича йўллага кўлга киритилган мамлакатимиз спортчи тарихида катта воқеа бўлди. Бу натижа ортда жуда катта меҳнат тургани барчамизга равшан. Шу ўринда биргина “Олимпик” футбол клуби ташкил этилгани эслаш kifoya. Айтинг-чи, спортнинг гандбол, волейбол, баскетбол каби турлари учун ҳам шу каби манзилли режалар қай даражада амалга оширилди?

— Айтиб ўтганингиздек, “Олимпик” лойиҳаси ўзини тўлақонли оқлади. Энди бу тажрибани бошқа спорт турларида қўллаб қўриш мумкин. Очғини, гандбол, волейбол, баскетбол ва бошқа жамоавий спорт турларида имкониятимиз футболдагичалик юқори бўлмастлиги мумкин. Лекин биз терма жамоаларга хорижлик мураббийларини жалб қилиш, узлуксиз ўқув-машгулот йиғинларини ташкил этиш, спортчиларга етарли шароит яратиш бўйича ишлаймиз. Бу спорт турлари бўйича терма жамоаларимизнинг оз бўлса ҳам имконияти бор экан, нега уриниб кўрмаслигимиз керак?! Қолаверса, “Лос-Анжелес – 2028” ёзги Олимпия ўйинларида футболдан ташқари 3x3 баскетбол, гандбол каби жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўллага олишни режа қилганмиз. Бу борада ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Энг аввало, федерациялар ишнинг жонлантириш мақсадида бошқарувга улкан тажриба ва салоҳиятга эга мутахассислар жалб этилмоқда. Шу билан бирга, моддий-техник базаларни янада мустаҳкамлаш, хориждан кучли тренер-мутахассисларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, спорт тиббиёти, диетология, фармакология, психология, илм-фан йўналишларида ҳам ҳали қиладиган ишмиз кўп.

— Бизда ҳали натижа кўрсатмаган, Олимпияда ўйинларига лицензия қўлга киритилмаган спорт турлари анча. Хўш, кейинги йилда жамоавий спорт турлари, умуман, бу муваффақиятсизликка учраган йўналишларда иштирок этишга қандай тайёргарлик кўриляпти?

— Жамоавий спорт турлари ҳақида гапирдик. Бошқа терма жамоалар ҳақида тўхталсак, ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда вазиет туддан ўрганиб чиқилапти. Спорт вазири ва МОҚ раҳбарияти ҳар бир федерациянинг тайёргарлик стратегияси, ўқув-машгулотлар базаси, спорт инвентарларини ўрганишдан ташқари, юртимизнинг ҳар бир ҳудудда тадқиқотлар ўтказиляпти.

Айтмоқчиманки, Лос-Анжелес олимпиадасига тайёргарлик делегациями Париждан қайтган, бошлаб беририлган. Терма жамоага асосий номзодлар этиштириб берадиган муассасалар вилоятлардаги спорт мактаблари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари (ОПСТТМ)дир. Шу боис, ишни энг қўйи бўғиндан — жойлардаги спорт мактаблари, ўқув-машгулот базалари, ОПСТТМлар фаолиятини тахлил қилишдан бошладик. Федерацияларнинг ҳудудий вакиллари билан вазиет ўрганилиб, янги олимпиада цикли учун тайёрланадиган ҳуқуқий-меърий ҳужжат лойиҳасига тақлифлар шакллантирилди.

Биласизми, “Париж – 2024” олимпиадасида эришилган ютуқлар бир неча йил олдин ордудек туюларди. Лекин Президентимизнинг қўллаб-қувватлови билан барчаси уддаланди. Спортнинг 4 тури бўйича бирдан дебют қилганимиз эса шу пайтгача йўллага ололмаган федерацияларни ҳам илҳомлантирди.

“Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган аввалги сўхатимизда ҳам айтганман, ҳозир ҳам эслаб ўтсам, ўринли бўлади: ҳамма жойда ҳам спортга давлат раҳбари даражасида эътибор қаратиляпти. Бизнинг улкан ютуқларимиздан бири шуки, Президентимиз бевосита спортга қизиқиб, уни тизимий, ҳар бир қичмк деталигача эътибор беради. Илҳод бир неча мартаба барча соҳа вакиллари билан учрашиб, муаммоларини ўрганади, ечим тақлиф қилади. Айниқса, кейинги йилларда спортчи мактабларининг бошқарув офислари мужассам бўлди. У ерда назария ва амалиёт бирлашиб, шарҳча илмий-амалий марказ — агона спорт кластери вазифасини бажаради. Шунингдек, ушбу бунёдкорлик лойиҳаси миллий терма жамоаларини йирик халқаро мусобақаларга тайёрлаш маркази бўлиб хизмат қилади. Бундай инфратузилма билан федерацияларимиз “Лос-Анжелес – 2028” ёзги Олимпия ўйинларида тайёргарлик кўриш бўйича ўз режаларини ишлаб чиқмоқда. Бу жараёнда босқичма-босқич янги спорт турлари бўйича ҳам лицензия қўлга киритиш кўзда тутилган.

Биргина капалак парвози учун кенг осмон керак бўлганидек, бир инсоннинг истеъдоди, қобилияти рўйга чиқиши учун тизимли муҳит шакллантирилиши, муҳитларнинг доимий эътибори, давлат ва жамиятнинг эътибори ҳамда қўллаб-қувватлови су ва ҳаводек зарур. Мамлакатимизда айнан шундай муҳит яратилганга эса келгуси парвозлар учун ҳадис фазо кенгликларини тақдим этишга шубҳа йўқ.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Азизбек ЮСУПОВ сўхатлашди.



Бу каби ютуқлар асосида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бунинг учун маҳалларда, таълим муассасаларида зарур шароитлар яратиш, инфратузилмани шакллантириш каби чора-тадбирлари махсули турибди, албатта. Давлатимиз раҳбарининг спортчиларни, мураббийларни қўллаб-қувватлаш сиёсати замирида жуда катта ҳаётий ҳақиқатларни кўришимиз мумкин.

Узлигини англашни истаган ҳар бир инсон ирсиятда яшаётган сирли иқтидор ва салоҳиятни билгиси, юзага чиқаргиси келади, аслида кимнинг авлоди эканига қизиқади. Бу-гун турли давлатларда ўтказиладиган қўллаб-қувватлаш беллашуларда кетма-кет галабага эришаётган спортчиларимиз айнан ўша ген “калит”ини топган, ундан қай вақтда, қай тарзда фойдаланишни билади. Бу “калит”лар эса муҳитга тушиб, ишлаб бошлаган.

Ирсиятдаги истеъдоднинг уйғонишида шароит, албатта, муҳим. Агар етарли муҳит бўлмаса, салоҳият юқори даражада бўлса ҳам рўйга чиқмайди. Генлар табиати шундай: ўз муҳитига тушмаса, ишламай, жим ётаверади.

Тоғ олмаси тахирлиги ҳақида биламиз. Истеъмол қила олмайдиган даражада бемаза, кечтилар мева. Ҳатто қушу қурт-қумурсқалар ҳам емайди. Агар уни ҳовлингизга олиб келиб, экиб қўйсангиз, парвартиласангиз, биринчи йил худди шундай кеч пишади, ниҳоятда нордон ва тахир бўлгандан ҳеч қачан емайди. Тўрт-беш йил ўтгач эса домдиган олдинроқ гуллаб бошлайди. Тагин иллар



ўтгач, мевасига ҳам маза киради. Маза кирди дегани катта мазмунга эга. Бу эпигенетика, яъни муҳитга мослашув, мавжуд шароитга қўйиб, у билан бирга жараёнга киришиш, дегани.

Бизнинг спортчилар ҳам галабага элтувиш мукамал тизим аста-секин ишга тушиши билан юқори поғоналарга ишонч ва қатъий белгиланган режа асосида кўтарилиб бораверади.

Сабаби улар кўрган мактаб ўзларига ташқаридан разм солиш имкониятини тақдим этди. Оданинг ҳар қандай ҳолатда ўз “мен”и бўлади, ўзини ё дўстига, ё акасига, ё нариги кўтбадаги донгдор спортчиға солиштиради. Шунда ичидан “Мен-чи?”, деган овоз келади,

ғурури, ғурури уйғонади. Бу кичик ҳолат, бироқ энг муҳими, у пайдо бўлади. Бунга қарама-қарши тарзда унинг ичини яна менда на “каттакон” таниш бор, на пул ва на шароит бор, деган қитмир фикр қитқилади. Агар шу “мен эплогмайман” деган қарашдан “Ҳаммасининг урдасидан чиқа оламан, бу менинг ҳам кўлимдан келади”, деган қарор устун келса, ирсиятдаги асл иқтидор ҳаракатга кела бошлайди.

Жаҳон цивилизациясида катта ўрин қолдирган аждоғларимиздан мерос бўлиб ўтган ирсиятдаги галабага эришиш иштиқий спортчиларимизда уйғонган, Ўзбекистон тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида рекордини янгилади. Мусобақада эришилган натижанинг тарихийлиги шундаки, мамлакатимиз спортчилари “Париж – 2024” олимпиадасида дунё бўйича 13-, Осиёда 4-, МДХ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Баракали йил якунида эришилган натижалар ва олдинда турган истиқболли режалар ҳусида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Бош котиб Ойбек ҚОСИМОВ билан сўхбатлашдик.

— 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари биз учун омадли келди. Биринчидан, Ўзбекистон делегацияси биринчи бор ўз тарихидаги энг катта таркиб билан мусобақаларга киришди. Бундан ташқари, жамоавий спорт турларида олимпиадада йўл олди. Ўзбекистон U-23 жамоаси Осиё чемпионатида финалга чиқиб, мамлакат тарихида илк бор олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Айнан сиз учун ушбу мусобақа қайси жиҳати билан эсда қолди?

— Дарҳақиқат, “Париж – 2024” XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистон делегацияси учун ҳар қачонгидан ҳам омадли ва улкан ютуқларга бой бўлди. 4 йилликнинг энг нуфузли мусобақасида спортчиларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медал билан 206 мамлакат орасида 13-ўринни эгаллади. Биз Олимпия ўйинларида нафақат иштирокчилар сони, балки медаллар жағамини борасида ҳам натижаларимизни яхшиладик.

Шу билан бирга, илк мартаба жамоавий спорт тури бўйича тўрт йилликнинг энг муҳим стартига йўлланма олдик ва Темур Қападе бошқарувидаги футбол бўйича мамлакатимиз олимпия терма жамоаси ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этишга муваффақ бўлди.

Дюдо бўйича терма жамоамиз илк бор Олимпия ўйинларида 3 та медалга сазовор бўлди. Таъжвондо WT бўйича илк мартаба олимпиадада 2 та медални қўлга киритдик. Бадий гимнастикачиларимиз Олимпия


аҳамиятга эга. Чунки қатор тадқиқотларда ўсмир ёшдаги спортчиларни мусобақаларга нафақат жисмоний, техник ва тактик, балки махсус психологик тайёрлаш зарурати муҳимлиги аниқланган. Бу тайёргарлик спортчиларининг ироданин ривожлантириш, ўз кучига ишонч уйғотиш, ўтказиладиган мусобақа тавсифи, қўлмай, рақиблар ҳусусиятлари билан таништиришга қаратилиши керак. Ўсмир ривожланишида жисмоний машқларнинг аҳамиятини таҳлил этиб кўрсангиз, бу ўринда ҳаракатлар психологияси етакчи омил экани, бажарилаётган жисмоний машқлар ўсмирнинг макон ва вақт ҳақидаги тасаввурини ривожлантириши кераклигига эътибор қаратасиз. Бу тасаввур қандай пайдо бўлади? Ўсмир хатти-ҳаракатлари кучи, ҳажми, йўналиши ва тезлигини тасаввур қилади. Бу жараёнда кўриш, ҳис этиш ва мушак ҳаракат сезгиси иштирок этиб, уларнинг ўзаро уюштириш ҳажми, шунингдек, макон ва вақт сезимини ҳам вуҷудга келтиради. Бокс мураббийларимиз диққатини айнан шу жиҳатга — спортчиларнинг беқарор ҳиссиётини метиндек мустаҳкам, барқарор ҳолатга келтиришга қаратиш, тинимсиз меҳнат қилди, бунинг самараси эса даража ва ўринларда ўз аксини топди.

Яна бир эътиборли жиҳат: боксчиларимиз олимпиадadan олдин сўнгги ўқув-машгулот йиғинларини маҳаллий иқлим ва шароитга мослаштириш учун Францияда, аниқроғи, Нанси шаҳрида ўтказди. Ушбу ҳал қилуви йиғинга олимпиадага борадиган ҳар бир боксчимизга утадан спарринг рақиб, уларнинг шахсий мураббийлари, шифокор ва массажчилардан иборат катта таркиб жалб қилинди. Якунда эса бундай комплекс ёндашув ўз натижасини берди.

— Бир пайтлар олимпиада қобилиги чиқиб бўлмас чўққидек эди. Президентимиз томонидан “Париж – 2024” мусобақаларида кучли 15 таликча кириш вазифаси қўйилганда ҳам айримларда иккиликниш бўлгани сир эмас. Бурч сифатида қабул қилинган мажмур катта вазифанинг урдасидан чиқишда қайси омиллар ёрдам берди деб ўйлайсиз?

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ СИРИ

ёхуд Ватанни жонкуяр, кучли тафаккур эгалари юксалтиради



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ўқитувчи синфдаги уч қоқоқ ўқувчини дардан кейин олиб қолиб, мавзуларни ўзлаштириши учун алоҳида кунт билан шуғулланиди. **Натижа кўп куттирмади. Синфнинг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи ошди. Муаллим шундай қилганида ўша ўқувчилар мактабни битиргунча қоқоқлар сафидан чиқолмай, келажакда ўз ўрнини топишга қийналар эди.**

Бир йўловчи йўл четида кимдир қолдириб кетган чикни солинган халтани олиб, махсус жойга ташлади. Агар шундай қилганда ўша бир халта эртага чикчилар уюмига айланиши тайин эди. Кўшни боланинг хулқида салбий ўзгаришнинг кўрган эркак унинг отаси билан гаплашди. Фарзанд тарбиясида назорат муҳимлигини тушунтирди. Ўспиринда одоб-ахлоқ муҳимдари буй кўрсата бошлади. Кўшни агар



Жорий йил 27 октябрдаги сайловда жамият ва давлат ишларига ўзини дахлдор билган 541 ёшлар етакчиси ўз номзодини илгари сурди. Натижада улардан 2 нафари вилоят ҳамда 117 нафари туман ва шаҳар кенгашилари депутатлигига сайланди. Ёшлар етакчиларининг бундай ютуқларга эришиши уларга билдирилган ишонч ва имконият натижаси бўлса-да, бунга ўша “фаол” медиалар етарлича урғу бермади.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

гит-қизларни ўз боласидек кўрадиган кўшни ва “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” тамойилига тўғри ендашадиган ҳодимлар бор. Улардан ҳар бири ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этса, ҳаётимиздаги ўзгаришларни эртага эмас, бугун кўрар эдик. Ҳа, оддий инсоний фазилатлар ҳам бугун қаҳрамонлик даражасига кўтарилаётди. Ҳозир биров бировга яхшилик қилса, ердан қўлини чўзса, оғирини енгил қилса, буни манфаат, моддий рағбат эвази деб қабул қилиш оддий ҳолга айланган.

Ахир биз ундай халқ, миллат эмасдик-ку? Бепарволик, лоқайдлик, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилдаги бундай ноқис феъллар қанон бизга чирмашиб улгурди? Ёпишганда ҳам тийнатишимизга сингиб кетди. Бу иллатлар барҳам топиши учун нималар қилиш керак? Ушбу саволлар масаланинг моҳиятига чуқурроқ киришни талаб этади. Тўғри, бугун ушбу масала кечим учун миллатимиз ойдинлари озми-кўпми чори иламотиди, мамлакатимизда амалий ҳарақатларга киришилган. Энг юқори даражада қабул қилинган дастурларда аини мақсадга қўлба билдлар бағишланди, махсус лойиҳалар шундай чиқилди. Давлатимиз раҳбари ўтган йил декабрда Республика Маънавий

ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида мамлакатимиз янги тараққиёт дариға қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгида ватанга муҳаббат, юртимиз келажакига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғуларини кучайтириш масаласини таъкидлагани ҳам бежиз эмас, албатта.

Вазиятга фақат қора кўзойнақ орқасидан назар ташлаш ҳам тўғри эмас. Холис таҳлил қилсак, ютуқлар салмоқли, натижалар талайгина. Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг аксарият йўналишларда туб бурилиш юз берди. Кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарши ўзгарди. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда эзгу ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоя аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу борадаги муҳим ишларга қарамай, иқтисодий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотлар самарадорлигига тўсиқ бўлаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётгани юқори дораларда тан олинган. Гап ана шу бушлиқни тўдириш устида кетаяпти. Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда ахлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий тадқиқот ишлари бажарилмаётгани, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг иқтисодий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаётгани ҳам бор гап.

“Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан бугун жамиятимиздаги муаммоларнинг ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва тасвирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қанбида ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадати ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш мақсад қилинган.

Кўлинг учун маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган. Жумладан, жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик,

коррупция, оилавий қадриятларга бепарандлик ва ёшлар тарбиясига маъсулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, аҳолининг интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, маданият, адабиёт, кино, театр, musiқа ва санъатнинг барча тури, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий

ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига эришиш масаласига катта эътибор берилган. Бугун оммавий ахборот воситалари қатори иқтисодий тармоқлар ҳам фаоллашди. Жамоатчилик фикрини шакллантиришга қодир маъруз тармоқлар орқали кириб келаётган турли ахборот жамиятимиздаги айрим ёшлар онгини заҳарлаётгани, ёт ғоялар таъсирига тушиб қоқан йигит-қизларнинг гиёҳвандликка ружу қўйиши, қимор ўйинларига аралашуви, радикализм, экстремизм ва бошқа иллатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этиётгани, бундай шароитда ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан асраш муҳимлиги аллақачон ойдинлашиб улгурди.

Кўриб турибмиз: оламшумул муваффақиётлар, катта ва авваллари ҳеч бўлмаган ютуқлар, натижалар ҳақидаги маълумот хабарлар тасмасидан бир зумда ўтиб кетади. Аммо биров ноғужа ҳаракат, йўл қўйилган хато ва камчилик, бирор машхур

сиёсатчи ёки санъаткорнинг ноғурин ҳаракати ёхуд контекстан юлиб олинган бирор ибораси ҳақида дунёга достон қилинади. Масаланинг туб моҳиятини очиб бериш, сабабларини таҳлил қилиш, бу каби вазиятлар қайта содир бўлмастлиги учун нималар қилиш лозимлиги борасидаги мулоҳазалар ўрнига ушбу кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида томоқ йиртар даражада жар солинади. Бундан мақсад нима? Барқарорликка, оқиломчиликка раҳна, одамлар қўнглига кутку солишми?

Масалан, ёшларнинг бир гуруҳ кўнгилли фаол йигит-қизлар айрим юртошларимизнинг табииётини соя-салқин, тоғли ҳудудларда ҳордиқ чиқариб, одатда экологик маданият етишмаслиги боис, қолдириб кетадиган, ҳар ёққа отиб юборадиган турли чиқиндиларни тозалаш акциясини ўтказди. Улар ҳеч ким мажбурамасам-да, ўзини шу жамият ривожига ва табиат муҳофизлигини асрашга дахлдор деб ҳис қилди.

Афсуски, бўлар-бўлмас гап-сўзларни байроқ қиладиган айрим сайтлар, блогер-

лар бу хайрли ташаббусга етарлича аҳамият бермади, қўллаб-қувватламади, ёшларнинг фидойилиги ҳақида лом-ним демади. Бироқ қайсидир вақир ёки соҳа раҳбарининг бир оз қизишб, аслида, мавзу бўйича куйинчилик билан айтган гапларини оғиб муҳокамга қилди. Турли изоҳ, талқин ва пичинглар орқали оммада тасаввур уйғотишга уринишлар кузатилди.

Жорий йил 27 октябрдаги сайловда жамият ва давлат ишларига ўзини дахлдор билган 541 ёшлар етакчиси ўз номзодини илгари сурди. Натижада улардан 2 нафари вилоят ҳамда 117 нафари туман ва шаҳар кенгашилари депутатлигига сайланди. Ёшлар етакчиларининг бундай ютуқларга эришиши уларга билдирилган ишонч ва имконият натижаси бўлса-да, бунга ўша “фаол” медиалар етарлича урғу бермади.

Бир воқеа ҳам бир неча ўсимнинг автотомбиди юқори тезликда ҳаракатланиб, ўзини тасвирга олиб, иқтисодий тармоқларга жойлагани каби айрим воқеалар соясида қолиб кетди. Тармоқлар ёппасига шу каби лавҳалар билан тўлди. Қузатувчилар уларни қоралаш, айрим ўринларда оқлаш билан овора бўлди.

Тармоқларнинг кучи шундаки, воқеалар қандай ракурсда тарғиб қилинса, тафаккурга шу шаклда сингиб боради. Атрофимиздаги ҳодисаларга хотиржамлик ва лоқайдлик билан эмас, балки ҳушёрлик билан қараш зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавий энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жокуярлик, юксак ақл-идроқ ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавий қудратли кучга айланади”.

Матли иморатлар қураётганига гувоҳ бўласиз. Инсонларнинг яшаш тарзида ўзгариш катта. Айниқса, давлатимиз томонидан хоржида ишлайдиган юртошларимизга яратилаётган қўлайликларни эътироф этмасдан илж йўқ. Чет элда ишлаб, иш ҳақини ололмаган қанча юртошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор.

Бир кун келиб, ҳозир улғаяётган қоракўзлар ҳам худди шундай уйлар бунёд этади. Машина олади. Ниманинг эвазига? Бу анча оғирлик масала. Отаси, акаси каби ўзга юртада ишлаб, албатта. Бир ўртоғим қариб 5-6 йилдан бун хоржида ишлаб қориди. Катта уй кўтараяпти. Отаси оғир дарадга чалиниб, тўшака миҳланган. Дўстин қайтаман деса, усталарнинг ҳақини тўлаш, уйни одам яшайдиган ҳолатга келтириш учун яна бир-икки йил ишлаш керак. Унғача отаси бор бўладими ёки йўқ, Яратганга аён. Ёки ота тарбияси, меҳрини кўрмай катта бўлаётган болаларининг олдиди қарзини қандай тўлайди? Чет элда ишлаётган оталар фарзандлари олдиди маънавий бурчини унутиб қўймадимикан?

Инсоннинг шаҳс бўлиб шаклланишида тарбия билан бир қатар таълим ҳам муҳим. Тарбия инсоний хислатларни сингдиради. Илм эса одамнинг жамиятда муносиб ўрин топишига ҳисса қўшади. Республика Маънавий ва маърифат маркази фаоллари ва бир гуруҳ маърифат тарғиботчиларининг Ўзбекистон халқига йўللган мувожаҳатда бундай сўзлар бор: “Бугун фарзандларимизга ажратган вақтимиз, меҳримиз ва эътиборимиз эртага оиламиз ва жамиятимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган инсоний ресурс ва капитал бўлиб қайтади”.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Тошойна

Оила — жамиятнинг бошланғич бўғини ва асоси. У фақат эркак ва аёлнинг муносабати билан чекланиб қолмайди. Фарзанд ота-онанинг давомчиси, миллатнинг фаровон келажакини таъминлайдиган, образ-эътибори ва номусини ҳимоя қилладиган қалқондир. Ўзбек жамиятида оила қадрият даражасига чиққан. Сабаби боланинг ахлоқий, жисмоний, маънавий жиҳатдан шаклланишида, шахс сифатида тарбия топишида оиланинг ўрни катта. Ҳар қадамда инсоннинг маънавий ўлчуволига путур етказилаётган, эгоизм тушунчаси билан тўйинаётган, турли енгил-елпи қарашлар одамларнинг онгу руҳига сингаётган вақтда тарбиянинг аҳамияти ортмоқда. Чунки тарбияга бепарқ қараган, қадриятлардан узоқлашган оила ва жамиятларнинг таназзулга юз тутаятгани ҳам аини ҳақиқат.

Ҳа, одамнинг тафаккур тарзи оилада шаклланади. Абдурауф Фитрат “Оила” асарида ахлоқ оиланинг таянч устуни бўлиши кераклигига урғу беради. Хўш, бугун ўзбек оилаларида ахлоқнинг ўрни қандай?

Жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузата туриб, биз эъоззолаган оила

ҚАЛБ ВА РУҲ ТАРБИЯСИДА БУРЧИМИЗНИ УНУТИБ ҚҲЙМАЙЛИК

аталмиш кўрғоннинг деворлари дарз кетаётгандек туюлаяпти. Бугун бачканалик ва беманонлик миллатимиз қонига сингиб, айниқса, ёшларни ўз йўриғига бошлаб бораётгандек. Албатта, барчага бирдек ҳукм ўқий олмаймиз.

Анча вақтдан бери тўйлардаги исрофгарликлар, бемақсад уюштирилаётган тадбирлар худди қаққа кўп айтылади. Балки кимлар учундир, қаерлардадир бу мунозаралар натижа бергандир. Аммо умумининг ҳаётида ҳали-ҳамон бу ҳашамдорлик чегараси кўринмайпти. Қайта унга қўшқанот бўлиб янги иллатлар урчиб бормоқда. Эркинлик никоби остида маънавий бурчимизни унутиб, бизга ҳамма нарса мумкин деган одамлар тонфаси шаклланоқда. “Ҳамма нарса мумкин” деган чегарадан розолат ва жоҳиллик, бачканалик ва беманонлик, керак бўлса, худосизлик бошланади”, деган эди тақиқли шоир Эшқобил Шукур.

Яқинда бир маърақага бордик. Таниш акимизнинг йигирма ёшли ўғли бу оламни тарқ этибди. Албатта, ҳукм Яратгандан, аммо унга эъзимиз, биз кўз юмаётган, билиб-билмай эргашаятган иллатлар сабабидек. Хуллас, қишлоқда тўй бўлган. Куёвжўралар келишиб, қаторга машина қўшган. Ёш-ялангдан бири отасининг машинасини ҳайдаб чиққан. Ёш, қони қайноқ эмасми, тез ҳайдаган. Оқибатда эса... Тўй бир кунда ўтиб кетди. Лекин ота-онанинг ундан қолган гами умрбод аримайди.

Бу ерда айбдорни қозига олиб бормоқчи эмасмиз. Фақат дунё янги тараққиёт босқи-



чига кираётган, илм-фан энг катта қурулға айлиниб бораётган даврда ёшлар орасида ҳаётга енгил-елпи қараш кучайиб бораётгани ачинарли ҳол. Уларда ўзини назорат қилолмадик, ким қаёққа бошласа, ўша томон кетаётган, бир муддат тўхтаб, йўлининг оқибатини ўйлаб кўрмаётганлар сони ошиб бораётганини кўриб, кўнгилда хавотир уйғонади.

Таассуфки, фарзандларидиҳа бу ўзгаришларни эрқаликка йўйиб, “Отасининг даврида юриб қолсин-да”, “Ешилгида давр даврон сурсин”, деяётганлар ҳам йўқ эмас. Тогини урса талқон қиладиган ўсимларнинг давранинг ўртасида ҳар қуйга тушаётганини кўриб, ичиндан зил кетасан киши. Эрта-индин улар ҳам қайсидир оилага бошлиқ бўлади.

Фарзанд тарбиялайди. Ҳар ҳолда бутун умр отасига суяниб яшамаслиги аниқ.

Яқинда бир мактабда ўтказилган тадбирга бордик. Сафдошларимиздан бири учирма бўлиб арафасидаги ёшлардан орзулари ҳақида сўради. Биз, албатта, улардан ИТ мутахассиси, жарроҳ ва яна биз билмаган бир қанча касблар эгаси бўлишни эшитганини кутганидек. Уларнинг аксарияти хоржида бориб ишлаганини айтиди. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейишадди. Унга юртда ишлаётган кўп юртошларимиз касб-коридан ортиндан нон топиб, фарзандларини нафақат юртимизда, балки хоржий даштларинида ўқитаётди. Чека худудларидиҳа қишлоқларни кузата туриб, одамлар паҳса уйлар ўрнига аллақачон икки қаватли, ҳаша-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
Муассис: **Ўзбекистон Республикаси Вазиолар Маҳкамаси**
Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилинмайди. Газетанинг етакзиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот ҳужжабдор. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ маъсул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бурутма — 4612.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиж: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаева
Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
Ўза якуни — 00:30 Топишилди — 01:00

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири
“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29